

Шояд, охират ишларига ҳимматимиз кучайса



16:07 / 23.12.2022 1838

Иброҳим ибн Адҳамдан «Дунёда зоҳидликка нималар сабабдан эришдингиз?», деб сўрашди.

У зот жавоб қилдилар: «Бунга уч нарса сабаб бўлди:

1. Қабрни ёлғизлатувчи кўрдим, менинг эса ҳамроҳим йўқ.
2. Йўлни узун кўрдим, менинг эса йўлхалтам бўм-бўш.
3. Ер ва осмонлар Ҳукмронини қози кўрдим, менда эса ҳимоячи йўқ».

Яъни, мана шу уч ҳолатнинг мулоҳазаси Иброҳим ибн Адҳамни дунёдан юз буриб, охират билан машғул бўлишга ундади.

Шу уч сабабни қайта-қайта ўқиб кўрсак ва уларнинг тўғрилига иқроп бўлсак, шояд, бизнинг ҳам охират ишларига ҳимматимиз кучайса.